Шукрулло ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ИСЛОМДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

РАЗВИТИЕ НАУКИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ИСЛАМЕ И ЕЕ ОСОБЕННОСТИ

DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF INTERNATIONAL RELATIONS IN ISLAM AND ITS FEATURES

Аннотация: *Мақолада исломда халқаро муносабатларни тартибга солиш илми бўлган "сияр" тармоғининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ўзига хос хусусиятлари хақида маълумот берилган.*

"Сияр" уруш ва тинчлик ҳолатларида мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари билан олиб борадиган муносабатларини тартибга солувчи қоидалар илми ҳисобланади. Хусусан, мусуслмонлар ва ғайридинлар ўртасида тузилган уруш ва тинчлик шартномалари, уруш олиб боришда амал қилиш керак бўлган инсонпарварлик тамойиллари, ўзга давлатларга элчилар юбориш тартиби, мусулмонлар диёрида яшовчи ўзга дин вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир фиқҳий қоидалар сияр илми орқали ўрганилган.

Таянч иборалар: *ислом халқаро ҳуқуқи, халқаро муносабатлар, сияр, сунна, фиқҳ, ҳудуд, мазҳаб, ақида, ахлоқ, аҳд*

Аннотация: *В статье представлена информация о формировании и развитии науки регулирования международных отношений в исламе – "Сияр" и ее особенностях.*

"Сияр" – это наука о правилах, регулирующих отношения мусульман с представителями других религий во время войны и мира. В частности, договоры о войне и мире между мусульманами и немусульманами, гуманитарные принципы, которых следует придерживаться при ведении войны, порядок отправки послов в другие страны, правила фикха, касающиеся прав и обязанностей представителей других религий, проживающих в мусульманский мир были изучены с помощью науки сияр.

Ключевые слова: *международное исламское право, международные отношения, сияр, сунна, фикх, территория, мазхаб, вероучение, мораль, соглашение*

Annotation: *The article provides information on the formation and development of the "Siyar" branch of Islamic law, which is the science of regulating international relations in Islam.*

Siyar is the science of rules arranging the relations of Muslims with members of other religions in times of war and peace. In particular, rules of jurisprudence on the treaties of war and peace between Muslims and non-Muslims, the humanitarian principles to be followed in waging war, the procedure for sending ambassadors to other countries, the rights and obligations of representatives of other religions living in Muslim lands were studied through Siyar science.

Keywords: *international islamic law, international relations, siyar, sunnah, fiqh, territory, madhhab, creed, morality, agreement*

КИРИШ

Илк ўрта асрларда Мадинада мусулмон давлатчилигининг ташкил топиши ҳамда кейинчалик улкан ҳудудларга ёйилиши ва мусулмонлар томонидан халқаро муносабатлар фиқҳига доир қоидаларни тизимлаштиришни талаб этарди. Халқаро муносабатларга доир фиқҳий ҳукмлар бўйича асарларнинг вужудга келишида халифаликдаги сиёсий вазиятларнинг турлича тус олиши ҳамда мусулмонлар томонидан олиб борилган фатҳларнинг таъсири катта бўлган. Фақиҳлар бу мавзуга бағишлаб алоҳида асарлар ёзиб, халқаро ҳуқуқнинг қоидалари ва аҳкомларини батафсил ёритишга ҳаракат қилдилар. Айнан шу паллада мусулмон оламида халқаро муносабатлар бўйича асарлар ёзила бошланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Халқаро муносабатлар бўйича ёзилган асарларда ислом динининг инсонпарварлик ғояларини очиб беришга, унинг фалсафаси, илмий асосларини тадқиқ этишга, инсон қалбида имон-эътиқодни мустаҳкамлашдаги ролини кўрсатиб беришга, унинг моҳияти, ақидасини тўғри талқин қилишга ҳам аҳамият берганлар. Бу эса, бугунги кунда динлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, жамиятда тинчликни барқарор этишда долзарб аҳамият касб этади.

Сияр илми ривожланишининг илк босқич Аббосийлар даврига тўғри келди. Бу даврда олимлар Расулуллоҳ (с.а.в.) сийратлари ва рошид халифаларнинг ҳаётларини атрофлича ўрганиб, илк ҳижрий асрда амалда бўлган қоидалар ва аҳкомлардан хулоса қилишга ва бу борадаги муайян услубни топишга ҳаракат қилганлар. Айниқса, олимлар мусулмонлар томонидан амалга оширилган фатҳларидан кўзланган шаръий асосларни топишга алоҳида урғу бердилар. Баъзи олимлар фақат тарихий маълумотларни ўрганиш билан чекланган бўлса, айримлари ислом динида халқаро муносабатларга оид шаръий асосларни ёритдилар [1:245]. Бу эса ўз навбатида мусулмонлар келажак авлодининг бошқа халқлар билан ўрнатадиган алоқаларини тизимлаштиришга замин яратди.

Ушбу тадқиқотлар исломнинг халқаро муносабатларга доир илми бўлган – “сияр” фанига янгича қарашни шакллантириб, бу борадаги меъёрий усул-қоидаларни тизимлаштиришга сабаб бўлган.

Бугунги кунда сияр илмига хос бўлган қуйидаги жиҳатларни назарда тутиш лозим:

– Ислом халқаро ҳуқуқи ва халқаро муносабатлар илми ислом ҳуқуқининг “сияр” деб аталган тармоғи сифатида намоён бўлади. *Сияр* нафақат тарихий ҳуқуқий тизим, балки бугунги кунда ҳам жаҳондаги мавжуд мусулмон мамлакатларини ҳуқуқий тизимининг бир қисми.

– Исломда халқаро муносабатларнинг диний манбаларга асосланганлиги. Халқаро муносабатлар фиқҳнинг бир қисми бўлиб, ваҳийга асосланган ва унинг ҳукмлари ахлоқ ва ақида билан боғланиб кетган. Ислом халқаро ҳуқуқининг бу хоссаси ўзининг ижобий жиҳатига эга. Жумладан, исломда халқаро муносабатлар асослари ақида билан ҳам боғлиқ ва шу сабабли у юксак эҳтиромга эга.

– Исломда халқаро муносабатлар тармоғи турли динларга эътиқод қилувчи аҳоли гуруҳларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солган ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқнинг айнан прототипи эмас. Улар ўртасида айрим ўхшаш жиҳатларгина мавжуд. Шу жиҳатдан Лондондаги Брунел университети профессори Жавойид Раҳмон[1] ислом халқаро ҳуқуқи – *сияр* ҳақида тўхталиб, унинг ғарбдаги халқаро ҳуқуқдан мутлақо фарқ қилиши ва мустақил фан бўлишга лойиқлигини таъкидлаб ўтган [13].

Ислом халқаро ҳуқуқи VIII асрдан бошлаб дастлаб Уммавийлар, кейинроқ Аббосийлар халифалигининг халқаро муносабатларини тартибга солиш эҳтиёжининг шаклланиши билан ислом ҳуқуқшуносларининг ислом ҳуқуқи доктринасига асосланиб ишлаб чиққан нормаларидан иборат бўлган. Таъкидлаш керакки, Европа классик халқаро ҳуқуқидан фарқли ўлароқ ислом халқаро ҳуқуқи китоблардаги ғояларда эмас, балки вужудга келган аниқ халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши натижасида ривожланган. Бу ислом ҳуқуқидаги *сияр* тармоғи кўринишини олди.

Доктор Афифига кўра, «Пайғамбар (с.а.в.) дан кейин ҳам хорижий мамлакатлар билан алоқалар олиб борилган ва бу нарса халқаро муносабатлар асосини ташкил қилган тизимларнинг вужудга келишига замин яратган. Уларни фақиҳлар дастлаб «ал-мағози», кейинчалик «ас-сияр» номлари билан атаганлар» [2:21].

Сияр тармоғи ҳақида «Ислом. Энциклопедия» китобида “мусулмон маъмурларининг бошқа давлатлар билан муносабатларини, уруш олиб бориш ва ҳарбий ўлжани тақсимлаш тартибини, мусулмон ҳукмдорнинг бошқа дин вакилларига нисбатан ўтказадиган сиёсатини тартибга солиш учун фақиҳлар белгилаб берган…меъёрлардир” [3:251] дейилади. Китобда таъкидланишича, сиярнинг мусулмон бўлмаганларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи меъёрларигина юридик хоссага эга бўлган.

Л. Р. Сюкияйнен ислом ҳуқуқи тармоқлари ҳақида ёзар экан, “шартли равишда исломда халқаро муносабатларни тартибга солувчи “сияр” тармоғи” ни ажратиб ўтади. Ислом ҳуқуқининг бу соҳаси халифалик билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлар, тинчлик ва уруш масалалари ҳамда мусулмон жамиятининг бошқа дин вакиллари билан алоқаларини тартибга солган [4:85].

Илк даврнинг мутақаддим фақиҳлари эса сияр мавзусини алоҳида шаклда эмас, балки “Жиҳод” боби, “Мағозий ва ғаниматлар” ёки “Муртадлик, омонлик аҳди ва жизя” боблари таркибида ўрганишган. Шубҳасиз, бу мавзуда

[1] Жавойид Раҳмон – инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи прфессори. (Javaid Rehman, Professor of International Human Rights Law, Brunel University, London)

биринчилардан бўлиб дарс олиб борган ва алоҳида китоб ёзган олим Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (в.150/767 й.) ҳисобланади. Лекин Имом Шаъбий, Авзоъий, Саврий ва Фазорий каби фақиҳлар ҳам бу мавзуга биринчилардан бўлиб эътибор қаратганларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Имом Шаъбий Омир ибн Шароҳил (в. 103/722 й.) Куфадаги машҳур фақиҳ ва муҳаддис олимлардан бўлиб, халқаро муносабатлар соҳасида катта тажрибага эга бўлган. Жумладан, Имом Шаъбий Абдулмалик ибн Марвон ва Рум подшоҳи ўртасида элчилик қилган. Амалий тажриба боис олим сияр мавзусида дарслар ҳам ўтган. Ҳатто улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Имом Шаъбийнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги билимини юқори баҳолаган. Бу ҳақида Хатиб Бағдодий Имом Нофеъдан санад билан қуйидаги ривоятни келтирган: “Ибн Умар (р.а.) Имом Шаъбийнинг ғазотлар ҳақида ҳадис айтаётганини эшитди ва: “Бу йигит ғазотларда ҳудди биз билан бирга қатнашгандек ҳадис айтмоқда”, деб мақтаган [5:246-247]. Албатта, бу ривоятлар Имом Шаъбийнинг халқаро муносабатлар илмига алоҳида эътибор қаратганини англатади.

Халқаро муносабатлар бўйича ижод қилган яна бир олим Шайхул-ислом Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳорис Фазорий (в. 186/802 й.) ҳисобланди. Унинг “ас-Сияр” номли асари мавжуд. Олим фиқҳ илмини Имом Авзоийдан ўрганган бўлиб, сияр мавзусига оид аҳкомларнинг амалий жараёнларида бевосита иштирок этган. Имом Фазорий “Шайх ас-суғур” (Чегаралар шайхи) деган ном билан машҳур бўлган. Чунки асосан чегара ҳудудда фаолият юритган ва Массиса шаҳрини душманлардан ҳимоя қилаётган чоғида вафот этган. Имом Шофеъий унинг асарини мадҳ этиб, шундай деган: “Ҳеч ким сияр мавзусида Абу Исҳоқ Фазорийнинг китобига ўхшаш асар ёзмаган” [5:249].

Аввал таъкидланганидек, халқаро исломий қонунлар соҳасидаги илк асар Абу Ҳанифанинг қаламига мансуб. Мазкур соҳага “сияр” номини ҳам айнан Абу Ҳанифа берган. Абул Вафо Афғоний бу ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Сияр мавзусида ёзилган энг қадимий асар – Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфийнинг “Китаб ас-сияр” асари. Абу Ҳанифа бу асарини шогирдларига имло қилган. Унинг шогирдлари ҳам халқаро муносабатлар илмини ўз фикрлари ва қарашлари билан янада бойитганлар. Натижада уларнинг ўзларига нисбат бериладиган бир қатор асарлар дунёга келган. Ҳасан ибн Зиёднинг ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг халқаро муносабатлар бўйича ёзган асарлари шулар жумласидан [6:142].

Шунингдек, Абу Ҳанифага замондош бўлган Имом Авзоий ҳам бу борада эътиборга молик ишларни амалга оширган. Шайхул-ислом Абу Амр Абдураҳмон ибн Амр ибн Аҳмад (в. 157/774 й.), яъни Имом Авзоий мужтаҳид имомлардан бўлиб, Шомда ўз мазҳабига асос солган. Шу билан бирга Имом Авзоий халқаро муносабатлар илмига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу борада асар ёзган, талабаларга дарс берган, ҳатто сиярга оид ҳукмларни амалда қўллаш бўйича ҳаммага ўрнак бўлган.

Имом Авзоий ҳам халқаро муносабатлар мавзусида асар ёзган илк олимлар сирасига киради. У “Китоб ас-сияр” номли асар таълиф этган. Муаллиф бу асарини Абу Ҳанифанинг сияр борасидаги фикрларига раддия сифатида ёзган. Кейинчалик Абу Юсуф бундан хабар топгач, Авзоийнинг мазкур асарига “ар-Радд ъала Сияр ал-Авзаъий” номли раддия ёзган. Шунингдек, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам “ас-Сияр ал-кабир” асарида Авзоийнинг мазкур асарига раддия бериб ўтган.

Шу ўринда исломдаги халқаро муносабатлар мавзусида ёзилган илк асарлар хусусида баъзи мулоҳазалар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Айрим тадқиқотчилар Имом Зайд ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб (в. 122/740 й.) қаламига мансуб асарни сияр мавзусида ёзилган илк манба сифатида эътироф этганлар. Имом Зайд фақиҳ ва муҳаддис олимлардан бўлиб, фиқҳ ва ҳадис илмига оид асарлар ёзган. Жумладан, “Мажмуъ ал-ҳадис” ва “Мажмуъ ал-фиқҳ” номли асарлар унга нисбат берилади. Аслида мазкур асарлар Имом Зайднинг шогирди Абу Холид Воситий Ҳошимий томонидан ёзилган бўлиб, бу икки асар жамланган ҳолда “ал-Мажмуъ ал-кабир” номини олган [7:608].

Абу Ҳанифанинг шогирдлари Зуфар ибн Ҳузайл ва Иброҳим Фазорийларнинг ҳам сиярга оид китоб ёзганликлари маълум [14]. Шундай бўлсада, бу борадаги энг муфассал

асар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний қаламига мансубдир. Шайбоний аввал “ас-Сияр ас-сағир” номли асар битади. Кейинроқ умрининг охирларида ўзи ва устозларининг тажрибасига таянган ҳолда “ас-Сияр ас-кабир”ни ёзади [15].

Халқаро муносабатлар илми билан шуғулланган олимларнинг таъкидлашича, халқаро муносабатларга доир ислом қоидалари замонавий халқаро ҳуқуқдан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ислом халқаро муносабатларига доир асосий қоидалари инсоният томонидан ишлаб чиқилган ва вазиятга қараб ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин бўлган қонунлар сирасига кирмайди. Сабаби “сияр”нинг дастлабки манбаси сифатида, шубҳасиз, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар эътироф этилади. Шунингдек, халифалар тузган шартномалар, қўшин амирларига юборилган буйруқлар ва тавсиялар ҳамда фақиҳларнинг ижмоси ҳам халқаро муносабатларга доир қоидаларни тўлдириб турувчи манбалардир. Шу жиҳатдан замон ва макондан келиб чиқиб, Қуръон ва ҳадисда кўрсатилмаган масалаларда муайян ўзгаришларни қабул қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, исломдаги халқаро муносабат қоидалари ҳудудий жиҳатга эмас, балки кўпроқ инсоний жиҳатга эътибор қаратади [8:382]. Яъни мусулмонлар ва ўзга дин вакиллари истиқомат қилувчи ҳудудлар сифатида қаралади.

Шуларни мулоҳаза қилган ҳолда ислом динига хос бўлган халқаро муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳозирги замонавий халқаро нормалардан қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

1. Ислом халқаро муносабатларини тартибга солувчи қоидаларга оид ҳукмларнинг асосий манбаси ваҳий саналади.

Бу энг муҳим хусусиятлардан бўлиб, бошқа жиҳатлари ҳам ушбу хусусият асосида ишлаб чиқилади. “Сияр илми”, яъни исломдаги халқаро муносабатлар фиқҳнинг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг асоси Қуръон ва суннатга таянади. Бу манбалардан бевосита олинган қоидалар, одатда, ўзгармас ҳисобланади.

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар ислом қонунчилигидаги қоидаларнинг ўзгариши юзасидан турли фикрларни илгари сурганлар. Жумладан, Доктор Аббдулҳамид Мутаваллийнинг фикрига кўра, ислом қонунчилиги иккига хил бўлади:

1) Илоҳий, яъни ўзгармас қонунлар;

2) Вазъий (инсон томонидан ишлаб чиқилган) қонунлар [9:11].

Шайх Абдулваҳҳоб Халлоф, Доктор Ғунаймий ва Доктор Али Жариша каби бир қатор олимлар эса, исломий қонунчиликни қуйидагича таснифлаганлар:

1) Ибтидоий. Яъни шариат қонунларининг асоси ёлғиз Аллоҳнинг ҳақи.

2) Ибтиноий. Бунда баъзи ҳукмларда инсон омили ҳам иштирок этади, яъни олимлар шариат белгилаган қоидалар асосида ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Лекин ташриъ, яъни қонунни жорий қилиш фақат Аллоҳнинг ҳуқуқи саналади [5:259].

Бу қоидалар ислом ҳуқуқининг бошқа соҳалари каби халқаро муносабатларга доир масалаларга ҳам татбиқ этилади.

2. Халқаро алоқаларга оид ҳукмларнинг ақида ва ахлоққа боғлиқлиги.

Ислом халқаро муносабатларининг бу хусусияти ҳам бугунги кундаги замонавий қоидалардан фарқланади. Бу жиҳатдан ҳам исломдаги халқаро муносабатлар Қуръон ва суннатга чамбарчас боғлиқ экани намоён бўлади. Исломий қонунчилик замонавий халқаро нормаларда мавжуд бўлмаган бир жиҳатга, яъни тавҳид ақидасига эга. Ислом динининг асосий таълимотлари икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратади: ақида ва шариат. Ақида – Қуръони каримда имон номи остида баён қилинган ғоя. Шариат эса Аллоҳ жорий қилган қоидалар бўлиб, мусулмон киши динга амал қилиш орқали шариат қоидаларига амал қилиб боради.

Ислом халқаро алоқаларига оид қоидалар ахлоқий қадриятларга катта эътибор қаратади. Маълумки, ислом тарихида дастлаб “динда фақиҳ бўлиш” ғояси илгари сурилган бўлиб, ҳозирги барча диний фанлар шу ғоя асосида шаклланган. Вақт ўтиши билан бу ғоядан турли илм соҳалари алоҳида бўлиб ажралиб чиқди. Фуруъ ал-фиқҳ илми ҳам шулар жумласидан. Кейинчалик бу илмдан “Халқаро муносабатлар” соҳаси мустақил йўналиш сифатида алоҳида шаклланди. Шубҳасиз, бу фанда ҳам ахлоқий қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Ислом илмларининг ҳеч бири бир-бирдан айри

ҳолдаги мустақил равишда янги пайдо бўлган илм соҳаси ҳисобланмайди. Балки уларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Шаръий илмларнинг барча таълимоти инсоннинг дунё ва охиратда бахтиёр бўлишига қаратилган. Жумладан, ислом халқаро муносабатлари соҳаси ҳам инсонлар орасида ҳамжиҳатликни қарор топтириш, давлат ва жамиятлараро тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бу ғояни ҳаётга татбиқ қилишнинг энг самарали йўлларидан бири ҳуқуқий муносабатларни ахлоқий мезонлар асосида олиб бориш билан боғлиқ.

Юқорида таъкидланганидек, ислом динида нафақат шахсий муносабатлар, балки халқаро алоқаларни йўлга қўйишда ҳам ахлоқий қадриятларнинг муҳимлиги Қуръон оятларида ўз исботини топган. Шунингдек, ҳадислар, рошид халифаларнинг уруш ва тинчлик ҳолатида олиб борган сиёсатлари орқали ҳам халқаро алоқаларнинг қонун-қоидалари амалда татбиқ этилган. Кейинчалик фақиҳлар мазкур учта асосга суянган ҳолда ислом халқаро алоқаларига оид аҳкомларни ишлаб чиққанлар. Жумладан, аҳд (шартнома)га вафо қилиш, ўзаро алоқаларда ёлғон ва алдовлардан сақаланиш, жанг вақтида мусла (ваҳшийлик) қилмаслик, қуролсизларни қатл қилмаслик, инсониятга зарарли бўлган қуроллардан фойдаланмаслик каби масалалар кўтарилган.

Халқаро исломий алоқаларнинг бу хусусияти кўплаб олимларнинг эътиборини тортган. Жумладан, доктор Мажид Худурий бу ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Ислом дини – ҳаёт йўли. У фақат ақидавий масалалар билан чекланиб қолмасдан халқаро алоқалардаги ахлоқий асосларга қаттиқ эътибор қаратади. Исломий ақида – ахлоқнинг асоси. Айнан шу нарса мусулмонларнинг ўзга дин вакилларига бағрикенглик билан муносабатда бўлишга, хусусан, уруш ҳолатида ҳам инсонийлик чегарасидан чиқмасликка ундайди. Ислом тарихини кузатар эканмиз, шунга амин бўламизки, халқаро муносабатлар ахлоқий асосларга эга бўлмаса, ижтимоий тизим деган ибора маъносиз истилоҳга айланиб қолади” [5:265].

Мана шу хусусият инсонлар онгида ислом қоидаларига нисбатан ҳайбат ва эҳтиром туйғуларини уйғотиб туради. Ислом фиқҳи шариат қоидалари бўлиши билан бирга ахлоқий мезон ҳамдир. Қуръондаги таълимотлар инсон виждонидаги ботиний туйғулар билан қоришиб, жамиятнинг ривожига ҳисса қўшади. Натижада инсоннинг қонунга бўйсунишини доимий тарзда назорат қилишга ҳожат қолмайди [10:219].

Шаръий қоидалардаги ҳуқуқбузарлик учун дунёвий жазолардан қутулиб қолса ҳам охиратда жавобгарликнинг муқаррар эканлиги ҳақидаги тасаввур ҳам ислом халқаро муносабатларига ҳам тааллуқли. Бу эса халқаро муносабатларда инсонни ахлоқ чегарасида ушлаб туради. Жазо дунёвий ва ухровий кўринишда намоён бўлади. Ҳоким ёки давлатнинг умумий бошқаруви томонидан бериладиган жазо дунёвийлик хусусиятига эга бўлса, қиёматда Аллоҳ томонидан бериладиган жазо ухровий деб аталади. Шунингдек, тавба тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, жиноятчининг охиратдаги, ҳатто баъзи ўринларда дунёдаги жазосини бекор қилиш ёки енгиллаштириш учун қўлланилади [11:4295].

Ислом фиқҳи асослари динга бориб тақалгани боис унинг раҳбарлар ва халқнинг қалбига чуқур кириб боришига сабаб бўлган. Ислом фиқҳи қоидаларга барча бирдек амал қилиши лозимлигини таъкидлайди. Бу эса халқаро муносабатларда адолат принциалари устуворлигига эришишда муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, уруш пайтида ҳам аскарларни тинч аҳолига нисбатан шафқатли бўлиш, инсонлар уйлари, ибодатхоналар ва боғу роғларни вайрон қилмасликка ундаб турган” [12:74].

ХУЛОСА

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар бугунги кундаги халқаро ҳуқуқ қоидалари билан ахлоқий қадриятлар орасида тафовут борлигини таъкидлайдилар. Халқаро ҳуқуқ қоидаларини назорат қилиб туриш талаб этилади. Аммо халқаро муносабатларда ахлоқий қадриятларни назорат қилишнинг имкони йўқ. Шу сабабли ҳам халқаро ҳуқуқ қоидаларининг бузганини аниқлаш имкони бўлмаганида жавобгарликка тортилмайди.

Аксинча, ислом халқаро муносабатларига оид қоидалар ижроси назоратсиз қолиб кетганида ҳам охиратдаги жавобгарликдан

қўрқиб, мусулмонлар кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилганлар. Шу жиҳатини ҳисобга олганда исломдаги халқаро муносабатларга доир қоидалар аксарият ўринларда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлса-да, ижро назорати ва ахлоқ қоидаларига ҳам таяниши билан устун аҳамият касб этади.

Исломдаги халқаро муносабатларга доир қоидаларни ҳаётга татбиқ қилишда мусулмонларнинг имони ва ишончларининг қуввати асосий вазифани бажаради. Халқаро ҳуқуқ қоидаларини амалга татбиқ қилишда эса бундай хусусият топилмайди. Унинг ортида ҳимоя қиладиган ва ҳукмларини амалга жорий қиладиган қувват йўқ. Исломий ҳукмлар эса, ҳатто уруш ҳолатида ҳам мусулмонларнинг имони билан ўз-ўзидан амалга татбиқ қилинади. Бу ҳолатлар белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш ҳамда турли бузғунчиликларни олдини олишда қўл келади.

Сияр илмининг юзага келиши ва унга оид кўплаб асарларнинг битилиши, албатта, тасодиф эмас. Бу исломдаги халқаро муносабатлар илми фиқҳнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга ўз даврининг талаби ҳам эди. Бу даврда халифалар ҳам фиқҳнинг ушбу соҳасининг юзага келишидан манфаатдор эдилар. Масалан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам ўзининг “ас-Сияр ал-кабир” асарини битиши билан уни дарҳол халифа ҳузурига келтиради ва Ҳорун Рашид бу китобни юқори баҳолаб, ҳатто фарзандларига уни ўрганишни буюради.

Ислом уламолари томонидан таснифланган халқаро муносабатлар қоидалари ўзида ахлоқ нормаларини ҳам қамраб олгани билан ажралиб туради. Ўз навбатида исломдаги мазкур қоидалар замонавий халқаро муносабатларга ҳам ўзига хос таъсир кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. Биринчи қисм. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”, 1997.– 260 б.
2. Афифи Муҳаммад Содиқ. Исломда халқаро муносабатлар. Қоҳира, Мактабатул Хонжий, 1977. 220 б.
3. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ/З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2003.– 313 б.
4. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики.–М.: «Наука», 1986.–256 с.
5. Усмон Жума Замирия. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний фиқҳида халқаро шартномалар. Макка: “Робита ал-Олам ал-исламий”, 1417 ҳ. 277 б.
6. Абдулкарим Зайдон. Ислом шариатини ўрганишга кириш.–Искандария: “Дор Умар ибн ал-Хаттоб”, 2001. 428 б.
7. Қози Шарафуддин Ҳусайн ибн Аҳмад Сайёғий. Ж.4. Ар-равз ан-назир – Шарҳ Мажмуъ ал-фиқҳ ал-акбар. – Тоиф: Мактаба ал-муайяд, 1968. 732 б.
8. Сулаймон Тамовий. Ас-султот ас-салас фи ад-дасатир ал-арабия ал-муъасира фи ал-фикр ал-исламий, Қоҳира, Дар ал-Фикр, 1996. 624 б.
9. Доктор Абдулҳамид Мутаваллий. Ал-Ислам ва мабадиъ низом ал-ҳукм. – Искандария: Маншаъат ал-маъориф, (нашр йили кўрсатилмаган). 286 б.
10. Мустафо Аҳмад Зарқо. Ал-мадхал ал-фиҳқий ал-ом. Ж.1. – Дамашқ: Муассаса ар-рисала, 1972. 440 б.
11. Алоуддин Косоний. Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. Ж.9. – Қоҳира: Матбаъа ал-Имам, (нашр йили кўрсатилмаган). 4460 б.
12. Абдулқодир Авда. Ат-ташриъ ал-жиноий ал-исламий. Ж.1. Байрут: Дар ат-турос ал-арабий, 1977. 284 б.
13. http://www.ukcle.ac.uk/research/projects/Islamic_International_Law.html
14. http://www.iosminaret.org/vol-2/issue19/Minarets_of_illumination.php#heading4
15. http://islamport.com/w/amm/Web/135/280.htm